## ТАБИАТГА МЕҲР — ИНСОНГА МЕҲР

Тоғларимизда бир неча ўн минг гектар ерда зиранинг ўсиши ва тарқалиши учун оптимал экологик шароит мавжуд. Бироқ минглаб гектар майдондаги зира ниҳоллари пайҳон қилинмоқда.Ваҳоланки, табиатдаги бирорта гиёҳга ноўрин тегиб бўлмайди.

4 бет

## АКА-УКА «ЁЛЛОВЧИ»ЛАР

Ҳайит арафасида иш ниҳоясига етиб қолди. Зокиржондан ҳисоб-китоб қилишни сўрашган эди, эрта-индин деб, ортга сураверди. Шундан сўнг уй эгаларига учрашишди. Толик ҳам, Ҳожимурод ҳам "Иш ҳақларингни Шокирга берганмиз" деб қутилишди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 4-iyun, № 23 (648)

## ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Инсон зоти борки, доимо ижобий хислат эгаси бўлишга ҳаракат қилади. Бу иш эса осонликча бўлмайди. Бунинг учун йиллар мобайнида ўқиб-ўрганилади. Устозларнинг ўгитига қулоқ тутиб, уларнинг кўп йиллик тажрибасидан андоза олиб, тоблана боради. Кўзланган мақсадига эришган ижобий хислат эгаси ҳалол меҳнати туфайли обрў-эътибор қозониб, атрофидагиларнинг ҳам меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади. Бундай инсон нафақага чиққанида ҳам нафақат яқинлари, балки ёр-биродарлари-ю ҳамкасблари томонидан эъзозланади.

Республика прокуратураси тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган прокуратура фахрийлари Ортиқбой Қосимов билан Мирзаанвар Мирзаев ана шундай инсонлардан ҳисобланишади.

Ўтган ҳафта тизимдаги 35 йиллик фаолиятининг 26 йилини тергов соҳасида ўтказган, хизматни туманда терговчиликдан бошлаб, Бош прокуратуранинг бўлим бошлиғи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган Ортиқбой Қосимов ҳамда умрининг 40 йилга яқинини прокуратурада терговчи, бир неча туманда прокурор, шаҳар прокурорининг ўринбосари ва биринчи ўринбосари, 1996-98 йилларда Республика прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази директори ҳамда Бош прокуратура бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган Мирзаанвар Мирзаевлар Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари билан учрашдилар. Фахрийлар ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилиб, тингловчиларнинг танлаган соҳалари нақадар масъулиятли эканлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, ҳар бир ишга холис ва жиддий ёндошиш зарурлиги ҳақида тўхталиб, берилган саволларга ҳам батафсил жавоб бердилар. Учрашувда шунингдек, Республика Бош прокуратураси Фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Б.Калонов ҳамда ўринбосари М.Шарофуддиновлар ҳам иштирок этишди.

**Ўз мухбиримиз**





## ШИЖОАТГА ТЎЛА ЁШЛИК

**Барча ўқувчи-ёшларнинг нигоҳи қаратилган Гулистон шаҳрида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари - 2009" спорт мусобақалари якунига етди.**

**Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларимизнинг етук, баркамол ва жисмонан соғлом бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода бир неча йил илгари Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли тизими ташкил этилди. Мазкур тизимнинг дастлабкиси - "Умид ниҳоллари" ўйинлари бўлиб, бу оммавий тадбир умумтаълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олади. "Умид ниҳоллари" ёшларни нафақат эзгу мақсад йўлида бирлаштиради, балки ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ҳам намоён этади.**

"Умид ниҳоллари - 2009" спорт мусобақалари Гулистон шаҳрида байрамона шукуҳ ва муросасиз курашларга бой тарзда бўлиб ўтди. Айниқса, мусобақа очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтган "Ёшлик" марказий стадиони, "Алпомиш" спорт маркази капитал реконструкциядан сўнг ўзгача қиёфа касб этди. Шу билан бирга янги барпо этилган Болалар спорт мажмуасида спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиш учун тўлиқ имкониятлар яратилди. Бундан ташқари, шаҳарда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигининг гувоҳи бўласиз. Кўпгина салобатли иншоотлар, шунингдек кўча ва йўлларнинг талаб даражасида таъмирланиши эса нафақат транспорт қатновига қулайлик яратди, балки шаҳарнинг кўркини янада оширди.

(Давоми 3-бетда).

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимида Тадқиқот маркази очилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ олдига қонунчиликни таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш, шу аснода уни янада либераллаштириш, авваламбор, жиноий жазо тизимини либераллаштиришга доир чоралар ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётининг одил судлов тизимини янада демократлаштириш, суд фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилган.

Бу вазифаларни талаб даражасида бажариш мақсадида Олий суд раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Марказий аппаратлари раҳбарлари, Олий хўжалик суди, Конституциявий суд раҳбарлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган Тадқиқот марказининг 2008-2009 йилларга мўлжалланган ахборот-таҳлилий ишлар ва тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, дастур асосида иш олиб борилмоқда.

Дастурнинг 3.1 бандида Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судлари ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Конвенция ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди.

Келишув битимининг Тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилиши жараёнида судларда иш кўришнинг процессуал тартиби қонунда белгилаб қўйилгани ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамкорлиги тўғрисида Келишув имзоланган.

Келишувдан асосий мақсад қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ҳамкорлигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида фуқароларнинг суд фаолиятига боғлиқ ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳамда суддан ташқари ҳимоя қилиш механизмлари самарасини оширишга қаратилган таклифларни биргаликда ишлаб чиқишга қаратилгандир. Энг муҳими, шу асосда одил судлов соҳасида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг миллий ва хорижий тажрибасини қиёсий умумлаштириб бориб, миллий қонунчиликни Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, одил судловни амалга оширишда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларини қўлланишини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрлаб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари орқали белгиланган тартибда Олий мажлиси Қонунчилик палатасига киритишда ҳамкорликда иш олиб боришлари кўзда тутилган.

**Сарвар МАХАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази бош маслаҳатчиси**

## МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Хўжайли тумани Қорақалпоғистоннинг йирик туманларидан. Истиқлол йиллари мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида туманда улкан ўзгаришлар юз берди. Шаҳар ва қишлоқларимиз янгича қиёфа касб этди. Ҳозир ерлар тўлиқ фермерларга бўлиб берилган. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришдик. Бу ўз навбатида туманнинг иқтисодий салоҳияти ошишига замин бўлмоқда. Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган сахий ишбилармонларимиз таълим, спорт, маданият ва санъатга ҳомийлик қилиб, кам таъминланган юртдошларга ёрдам бериб, туманда ижтимоий муҳофаза барқарор бўлишига ҳисса қўшишмоқда.

Туман прокуратураси ҳам ҳамиша халқ билан бирга бўлишга, уларни қийнаётган муаммолар бўлса, ҳамкорликда ечишга интилаяпти. Ўтган 4 ой давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жами 19 та текшириш ўтказилиб, 319 та прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди. Шундан турли хил муассаса, корхона ва ташкилотларнинг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ёки уларни қонун талабларига мувофиқлаштириш бўйича 16 та протест, 36 та тақдимнома киритилди. 89 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, 117 нафар шахс маъмурий, 43 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 1 млн. 858 минг сўм миқдорда 10 та даъво аризаси киритилди. Текширишлар давомида аниқланган қўпол қонунбузилишлар юзасидан 8 та жиноят иши қўзғатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларининг ижро этилиши аҳволи текширилганда бир қатор қонунбузарликлар аниқланди.

Жумладан, фуқаро Беғмон Ембергенов туман давлат солиқ инспекциясида якка талбиркор тарзида рўйхатдан ўтиб, Россия Федерациясидан 2008 йилнинг июль-ноябрь ойларида 800 қоп биринчи ва иккинчи навли ун маҳсулотларини туманимизда сотиш учун олиб келган. Ачинарлиси, у назорат-касса аппаратисиз савдо фаолиятини юритган. Шу кунга қадар жами 500 қоп унни сотиб, 13.775.0 минг сўмлик нақд пул тушумларини банк кассасига топширмаган. Мазкур ҳолат юзасидан Б. Ембергеновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

(Давоми 2-бетда).

# МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан "Алип-ана" фермер хўжалигида текшириш ўтказилганда, фермер хўжалиги билан илгариги "Найман" ширкат хўжалиги ўртасида олди-сотди шартномаси тузилгани маълум бўлди. Унга кўра, фермер хўжалигига жами 90.000.0 минг сўмлик чорвачилик фермаси ундаги йирик шохли чорва моллари билан бирга шартномада кўрсатилган суммани "Найман" ММТПСИ ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаб бериш шарти билан топширилган. Бироқ, шартномада "олувчи" мол-мулкнинг ҳақини тўлиқ тўлаганидан кейин унга эгалик қилиши мумкинлиги ҳамда икки йил мобайнида чорва моллар бош сонининг сабабсиз камайтирилишига йўл қўймаслиги ҳақида қайд этилган бўлишига қарамасдан, бу шартлар бузилган. "Алип-ана" фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган сумманинг 42.548.475 сўмини тўлашдан бўйин товлаб, фермага тегишли бўлган барча биноларни бузиб ташлаганлиги, бу ерда моллар қолмаганлиги аён бўлди. Бу ҳолат бўйича "Алипана" фермер хўжалиги мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу йил республикамизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди. Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда овул ва маҳаллаларимизда қизғин ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, элдошларимизнинг уйи, ишхонаси, гузарлар, мактаб ва коллежлар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлари таҳсинга лойиқ бўлаяпти. Тикувчилик цехлари, сартарошхона, тўйхона ва йўллар қурилмоқда. Туман прокуратураси ходимлари ҳам қишлоқ ва овулларда тез-тез бўлиб, қишлоқ хўжалиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонлари миқдорини мувофиқлаштириш чора-тадбирларига оид таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши талаблари бўйича фермер хўжаликларини оптималлаштиришнинг қонунийлиги ўрганилди. Тумандаги "Ҳайтмурат Дадабоев" фермер хўжалиги ноқонуний равишда тугатилиб, унинг ерлари туман заҳира фондига қайтарилганлиги аниқланди. 42.2 га ер майдони туман ҳокимининг 2005 йил 25 декабрь кунги қарори билан 30 йил муддатга шартнома асосида ижарага берилган. Лекин буни қарангки, туман ҳокими 2008 йил 7 ноябрь куни мазкур фермер хўжалигига ажратилган ер майдонини гўё "Ҳайтмурат Дадабоев" фермер хўжалиги ер участкасини ўз ихтиёри билан ижарага олиш ҳуқуқидан воз кечганлиги ҳақидаги аризасига асосан ўртадаги шартнома бекор қилинди ва ерлар туман ҳокимлиги ер фондига қайтариб олинди" деб қарор қабул қилган. Бу қарорнинг қонунийлиги кўриб чиқилганда фермер Назарқилич Дадабоев ўз ихтиёри билан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан воз кечганлиги ҳақида ариза бермаганлиги ойдинлашди. Туман прокуратураси келтирган протестга асосан фермернинг фаолияти қайта тикланиб, ерлар унга қайтариб берилди.

Маълумки, давлатимизни ривожлантиришнинг бешта тамойилидан биттаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу борада ўзини-ўзи бошқариш органларининг хизматлари катта бўлиб, айниқса, нафақа тайинлаш бўйича келган аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ўта муҳим. "Жанажап" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро А.Тўлегенова шу йил 4 январь куни боласи 2 ёшга етгунга қадар парвариш қилишга нафақа тайинлашни сўраб, шу қишлоқ фуқаролар йиғини раиси К.Кадирметов номига ариза билан мурожаат қилган. Лекин раис "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.03.2002 йил рўйхатга олинган "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини бузиб, ушбу аризани тегишли тартибда рўйхатга олмасдан, уни кўриб чиқиш учун комиссияга тақдим қилмаган. Худди шу каби фуқаро А.Ешбоевнинг болаларига нафақа олиш учун 2009 йилнинг 12 февраль куни берган аризаси ҳам рўйхатдан ўтказилмасдан, эътиборсиз қолдирилган. Мазкур ҳолат бўйича фуқаролар йиғини раиси маъмурий жавобгарликка тортилди.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, баъзи ташкилот ва корхоналарда қонунни менсимаслик, бузиш ҳоллари учраб турибди. Қонун барчага баробар. Уни бузишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Султонбой ИБРАИМОВ,**
**Хўжайли туман прокурори**



# ГЛОБАЛ ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШ

**Одам савдоси — инсон қадр-қимматини топтовчи, осойишта турмуш ва инсон келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноят ҳисобланади. Сўнгги йилларда одам савдоси жиноятлари туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашиш ҳам шунчалик ортиб бораётир. Жумладан, Республикамизда мустақиллик йилларида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало ушбу жиноятларга барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди.**

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЖКда илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида жиноий жавобгарлик белгиланди. Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз томонидан бундай салбий ҳолатларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 12 декабрда қўшилди. Мамлакатимиз Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисида"ги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилишини билан мамлакатимизда бу глобал муаммога қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этилди. Республика Идоралараро комиссияси тузилди. Мазкур комиссиянинг таркиби ва Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди.

Таҳлилларга кўра, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони анча ошган.

Нурота туманида ҳам сўнгги йилларда, яъни 2007-2009 йилларда одам савдоси бўйича, жами 6 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижаларига кўра 4 та айблов хулосаси билан судга юборилган.

Жумладан, туманда яшовчи Н.Наврўзов бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, 12 нафар кишининг ишончига кириб, уларни Россия Федерациясига олиб бориб, сотиб юборган.

Туманда яшовчи О.Эргашев ўзига тегишли "Форд" автомашинасида 9 нафар шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб, Россия Федерациясига олиб боради ва "Изомиддин" исмли танишига топширади...

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Нурота туман прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-911-сонли қарори ижроси юзасидан туман ҳокимлиги ва туман ИИБда ўтказилган текширишларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаб, тегишли равишда туман ҳокимлиги ва туман ИИБга тақдимномалар киритди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Одам савдоси — аср муаммоси. Бу муаммони бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар жуда катта ишларни амалга ошириб келишмоқда. Лекин бунга бутун жамоатчиликнинг ёрдами зарур бўлади.

**Отабек АТАКОВ,**
**Нурота туман прокурори**

# ИНСОН ШАЪНИ ВА ҚАДР — ҚИММАТИ УЛУҒ

Андижон вилоят прокуратураси ва одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳи ташаббуси билан жойларда йиғилишлар, семинарлар ва очиқ мулоқот тарзидаги давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Ўтган куни ана шундай йиғилишлардан бири Балиқчи туманида ўтказилди. Туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш "Одам савдосига қарши курашиш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш" мавзусида бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, вилоят ва туман идоралараро комиссиясининг ишчи гуруҳи аъзолари, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат бўлимлари, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ва жамоат бирлашмалари ва бошқа масъул идора вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари М.Эгамбердиев қатнашиб, одам савдосига қарши курашишда фаолларнинг масъулиятини ошириш борасида вилоят прокуратура органларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ҳамда ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш" мавзусида олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида, маҳаллаларда, тегишли давлат идоралари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида мунтазам равишда ўқув-семинарлари ўтказиб борилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек тарғибот тадбирлари кучайтирилиб, ўтган давр мобайнида меҳнат миграцияси ва инсон савдосининг олдини олиш мавзуларида бир неча бор давра суҳбатлари ўтказилганлигини қайд этди. Нотиқ мулоқот чоғида фаолларни талабчанликка чақирди.

Шунингдек, йиғилишда олиб борилаётган ишлар ҳақида вилоят ишчи гуруҳи раиси Р.Жалилов ва ишчи гуруҳининг бошқа аъзолари сўзга чиқишди.

Мулоқот чоғида фаоллар ўзларининг таклиф ва истакларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

**Шавкатбек ИСОМИДДИНОВ,**
**Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи**

# БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Ишонч — одамлар ўртасидаги юксак қадриятлардан бири саналади. Шу боис одамлар бир-бири билан ўзаро муносабатда ана шу асосда иш кўришади. Лекин шундайлар ҳам борки, шахсий манфаати йўлида ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиб, ҳар қандай жирканч ишни қилишдан тап тортишмайди.

Отабек бирор-бир касбнинг этагидан тутмади. Шунинг учун у ер-бу ерда турли ишларни қилиб, гоҳида эса Тошкентга келиб, "мардикорлик" ҳам қилиб кўрди. Ўхшамади. Шундай кунларнинг бирида у Эркин исмли шахс билан танишиб қолади. Гап орасида Эркин яхши бир иш борлигини, пули нақдлигини, ойига 200 минг сўмдан тўлашга тайёрлигини айтиб, бошқа шериклар ҳам бўлса янада яхши бўлади, деб қолди. Бир кун бўлиб, бошқа куни бўлмайдиган ишдан бироз безиган Отабек таклифдан ўзича хулоса чиқарди ва қишлоқдаги дўсти Анварга телефон қилди. Анвар таклифни эшитиши билан қишлоқда ўзи каби тирикчилик пайида юрган йигитларга гап очганида улар бундай "тайинли иш"га дарров рози бўлишди. Улар икки кун ичида зарур нарсаларини олиб, Тошкентга отланишди. Бахтли тасодифни қарангки, ҳамқишлоқлари Тоҳир ака ҳам Тошкентдаги гимназиялардан бирида таҳсил олаётган ўғлини кўргани йўлга отланиб турган экан. Ҳар ҳолда бензин пули чиқиб қолар деган умид билан Тоҳир ака уларни ўзи билан олиб кетишга рози бўлади. Анвар уч оғайниси билан келишилган вақтда Тоҳир аканинг машинасида йўлга чиқишади. Тўрт соат деганда Тошкентнинг Хадра меҳмонхонаси ёнида уларни Отабек кутиб олади. У ўзини мезбондек тутиб, йўл ҳақини ёнидан тўлаб, ҳамқишлоқларини меҳмонхонага жойлаштиради. Эртасига уларни Қозоғистон Республикасининг чегарасига олиб боради. У ерда уларни иш ваъда қилган Эркин кутиб олади. У йигитларни Тўлабек чегара постидан олиб ўтиб, Чимкентга олиб боради ва бир қурилиш объектининг вагончасига жойлаштиради. Дастлаб Анвар ва унинг дўстлари ишлагани Қозоғистонга эмас, балки Тошкентга боришликлари ҳақида гап бўлганлигини Отабекка айтиб, бироз ранжигандек бўладилар. Лекин Отабек ҳам бўш келмасдан, сизларга нима, аввал айтганимдек ҳар доим қилиб юрган ишларингни қиласизлар, иш ҳақи тайин деб уларни тинчлантиради. Йигитлар жойлашиб олишгач, Отабек Тошкентга қайтиб кетади. Эртасига эса йигитлар бу ерда бошқа ҳамқишлоқлари ҳам борлигини кўриб, бегона юртда ёлғиз эмасликларидан қувонишади.

Ишнинг учинчи куни Отабек пайдо бўлади. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, йигитлар иш ҳақи тўғрисида гап бошлаб, қачон ва кимдан олишлари билан қизиқадилар. Шунда Отабек ишбай ишлайсизларми ёки кунбай, агар ёмғир ёғса шу кунларга тўламайман, дейди. Йигитлар бироз ўйланиб туриб, ойлик иш ҳақига рози бўлишади. Келишув битгач, Отабек бу ердан қорасини бутунлай "ўчиради". Ҳатто орадан бир ой ўтиб, келишилган иш бажариб бўлинганидан кейин ҳам Отабекдан дарак бўлавермагач, йигитлар Эркиндан ҳақларини беришни талаб қилишади. Лекин Эркин жиддий оҳангда пулларингни аллақачон Отабекка бериб юборганман, ана ўшандан сўрайсизлар деб гапни чўрт кесади. Шундан сўнг Эркин уларни Тўлабек постига ташлаб кетади. Лекин бахтга қарши чегарадан улардан фақат иккитасигина ўтади, холос. Қолганларини эса чегара постида ушлаб қолиб, шахсини аниқлагунларига қадар уч кун мобайнида ушлаб туришади. Чўнтагида ҳеч вақоси қолмаган, бунинг устига ҳар томонлама чарчаган, оч-наҳор йигитлар Тошкентда кўча кезиб, юрганларида, тасодифан бир танишларига дуч келиб қолишади. Минг бир истеҳола билан ундан қарзга озроқ пул олиб, бир амаллаб уйларига қайтишади.

Пулни чўнтакка урган Отабек эса ҳеч нима бўлмагандек, ҳақни беришни ўйлаб ҳам кўрмаганди. Йигитлар бир неча бор пулни сўраб келганларида ҳам турли хил баҳоналар топиб, алдаб юраверди.

Ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, Отабекнинг қилмишига ҳам ниҳоят қонуний нуқта қўйилди. Отабек бу қилмиши билан нимага эришди? Одамларни алдаш йўли билан ёллаш, фирибгарлик, белгиланган тартибни бузиб чегарадан ўтиш каби жиноятларни содир этганлиги учун Отабек уч йил-у саккиз ойлик умрини озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўтказадиган бўлди. Энг ачинарлиси, у босган ножўя қадами нафақат ўзига, балки оиласига, икки нафар вояга етмаган фарзандининг тарбиясига ҳам нечоғли таъсир этишини наҳотки ўйламаган бўлса!?.

**Мухамбетали БАБАТАЕВ,**
**Бош прокуратуранинг бошқарма прокурори**

# ШИЖОАТГА ТЎЛА ЁШЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шундай катта бунёдкорлик ишлари билан сирдарёликлар меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Тантанали очилиш маросимидан сўнг вилоят босқичларида ғолиб чиққан 1792 нафар спортчи-ўқувчи бадиий гимнастика, қўл тўпи, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, спорт гимнастикаси, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш каби спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Ўйинлар Низомга мувофиқ, халқаро Олимпия талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши таъминланди. Холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби Олимпиада қадриятларига мазкур мусобақада ҳам бош мезон сифатида эътибор қаратилди.

Мусобақаларни кузатар эканмиз, ўйинларнинг қизғин ва беллашувларга бой тарзда ўтаётганини қалбан ҳис этасан киши. Ҳамжиҳатлик, ўзаро жамоавий қўллаб-қувватлашлар ва ўқувчиларнинг ғалабага бўлган интилишлари барчани ҳайратга солди. Албатта, ютуққа эришиш, ғалаба нашидасини суриш ёшликка хос фазилатлардир.



"Умид ниҳоллари - 2009" спорт ўйинларида футбол тури кўпчиликнинг диққат эътиборида бўлди. Беллашувлар кескин тарзда ўтганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўйинларга ҳар бир жамоа ўзгача руҳда, алоҳида тайёргарлик кўрганлиги сезилиб турди. Айниқса, Фарғона, Наманган, Андижон ва Тошкент шаҳри вакиллари қолган вилоят футболчиларидан бирмунча устун эканликларини исботладилар. Совринли ўринлар ҳам шу тўрт жамоа ўртасида тақсимланди. Ярим финал баҳсларида наманганликлар фарғоналик тенгқурларини 2:0 ҳисобида доғда қолдиришга эришди. Финалда эса яна бир водий вакили Андижонни мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлишди. Учинчи ўрин учун баҳс Фарғона ва Тошкент вакиллари ўртасида бўлиб ўтди. Рақибларнинг дарвозасига 3 та жавобсиз тўп йўллаган водийликлар мусобақанинг бронза медалини қўлга киритдилар.



Ғолибларга медал ва совринларни топшириш маросимида сўзга чиққан Республика маънавият тарғиботи раҳбари, мусобақа матбуот маркази раиси Минҳожиддин Мирзо шундай деди:

— Ўйинлар нафақат қизиқарли, балки тенг курашлар остида ўтди. Аминманки, бу ерда ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ғалаба қозонди. Мен барчани ана шу бирдамлик учун чин дилдан табриклайман. Ҳамиша бир-бирларингизга бўлган меҳр-оқибат йўқолмасин.

Албатта, қайси бир спорт турини кузатманг, уларда жамоавий ҳамжиҳатлик, рақибига бўлган ҳурмат ва эҳтиромни кўрасиз. Ана шу эҳтиром уларнинг ҳайқириқ ва қувончларига ҳам кўчганлигини кўриш мумкин. Болалар спорт мажмуасида катта қизиқиш билан кузатилган спорт сув спорти баҳслари ҳам муросасиз кечди. Мусобақани кузатар эканмиз, бу ердаги қулайликларни кўриб ҳайратга тушдик.

— Мен бир неча маротаба халқаро мусобақаларда ҳам қатнашганман. Бир қанча спорт саройларидаги қулайлик ва яратилган шароитларни кўрганман. Мазкур сув ҳавзаси ҳам дунё андозалари даражасида қурилган деб ишонч билан айта оламан, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳри вакили бир неча халқаро ва республика мусобақалари чемпиони Юлдуз Қўчқорова.

Юлдуз Қўчқорова ушбу мусобақада ҳам ўзини кўрсатиб, жамоасига олтин медал тақдим этди. Зеро, интилиш, ғалабага бўлган ҳаракат барча қатнашчиларнинг интилишларида яққол сезилиб тургани бизни янада қувонтирди.

Ўйинлар шу зайлда давом этди. Якуний хулосалар эса 31 май куни "Ёшлик" марказий стадионида тантанали ёпилиш маросимида маълум қилинди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Сирдарё вилояти, 3-ўрин Хоразм вилояти вакилларига насиб этди. Учала ғолиб жамоаларга "Дамас" автомашинаси ҳамда совғалар топширилди. Шундан сўнг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаси байроғини Навоий вилояти қабул қилиб олди. Демак, келгуси сафар мусобақаларга Навоий шаҳри мезбонлик қилади.

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

# ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК...

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: "Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади", деб таъкидлаган эди.



Биз яшаб турган табиий муҳит инсон ва табиат муносабатларининг ўзаро мувозанатда бўлишини, уйғунлигини тақозо этади.

Бугунги кунда тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий муаммоларнинг ечилиши жаҳонда экологик муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис, бутун дунё эътибори экологик муаммоларга, экологик ҳолатнинг кескинлашиши сабабини аниқлашга, атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини яхшилаш йўлларини топишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси атроф-муҳит муҳофазасига бағишланганлиги бежиз эмас. Унда фуқаролар атроф-муҳитга, табиатга эҳтиётқорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Бизга маълумки, давлатимизда табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги, ер, сув ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш бўйича муносабатлар экологик қонунчилик, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифа ҳисобланади ва бу экология тизимини, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланилмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Экологияга зарар етиши жамият учун юқори ижтимоий хавф туғдиради. Бугунги кунда экологиянинг бузилиши ер юзида об-ҳавонинг бузилишига, ноёб ҳайвонот, ўсимлик дунёсининг йўқолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кўрсатилган, жумладан Жиноят кодексининг 196-моддасида атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг мақсади ернинг бузилиши, яъни экологик қонунчиликнинг бузилиши натижасида ернинг сифатли ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш йўли билан уни муҳофаза қилиш, сув сифатини сақлашни ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш, стационар ва кўчма манбаларнинг атмосферага зарарли моддаларни чиқариб ташлаш нормативига риоя этишини ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига, балиқ захирасига, ўрмон ва қишлоқ хўжалигига, инсонлар ҳаёти ёки соғлиғига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олишдан иборат. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга бўлган талабларнинг юқорилиги ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш инсон ҳаёти ва фаолияти, шу жумладан, ҳайвонот дунёси учун муҳим шароитларни яратиб бериш, шунингдек, ижтимоий хавфли тажовузнинг оқибатларини тугатиш имконияти йўқлиги ёки мураккаблиги, қайта тикловчи ишларнинг қимматга тушиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорига илова тарзда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда товон тўланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчилар, идоравий мансублигидан, мулкчилик шакллари ва хўжалик фаолияти ташкил этилишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи (оқава оқизувчи) ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқава оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча), шунингдек аварияли ва зарбли масса компенсация тўловлари объекти ҳисобланади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

— турғун ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш массаси;

— ифлослантирувчи моддаларни сув объектларига ва жойларнинг рельефига оқизиш массаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлаштириладиган заҳарли ва заҳарли бўлмаган чиқиндилар массаси. Ифлослантирувчи моддалар чиқиндилар сақланадиган ёки тўпланадиган жойлардан сув объектларига ёки жойларнинг рельефига оқиб чиққан ҳолларда ифлослантирувчи моддалар массаси учун компенсация тўлови сув объектларига ва жой рельефига аварияли чиқариб ташлаш сифатида тўланади. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш натижасида ер, сув ва атмосфера ҳавоси ифлосланиб, инсон ҳаёти ва соғлиғига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етиши мумкин.

Ер, сув, атмосферанинг ифлосланиши ва бузилиши деганда, ўзини ўзи тозалашга бўлган табиий қобилиятини пасайтирадиган физик, кимёвий, биологик хусусиятларга таъсир тушунилади.

Ана шу ифлосланиш ёки бузилишлар натижасида одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқса, шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Бошқача оғир оқибатларга экологиядаги салбий ўзгаришлар, эпидемия таҳдидини юзага келтирадиган даражада ёмонлашуви, катта харажат билан бартараф этиладиган авариялар, алоҳида муҳофаза этиладиган объектларнинг нобуд бўлиши тушунилади.

Юқорида айтиб ўтилган қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, ЖК 196-моддасининг 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун жиноий жавобгарлик табиий муҳит ифлосланишини олдини олишга, бундай оқибатлар юз берганда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга имкон беради.

**А.АБДУЖАББАРОВ,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси**

**Яшил бойликлар инсон ҳаётида жуда катта рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам жонли табиат бойликларига ҳаёт бешигини тебратувчи нодир манба деб қаралади. Дарҳақиқат, ўсимликлар сайёрамизнинг нафас олиш органидир. Мутахассисларнинг фикрича, бир гектар ўрмонзор бир йилда 2-5 тонна кислород ишлаб чиқариб, 3-6 тонна карбонат ангидрид газини ютади. Ҳавони кўпгина саноат чиқиндиларидан, чанг, газ ва бошқа зарарли моддалардан тозалайди.**

**Агар инсон вужуди ҳаракатсиз ҳолда бир кеча-кундузда 300 литр, жисмоний ишларни бажариш жараёнида эса бундан 10-15 марта кўп кислород истеъмол қилишини инобатга олсак, дарахтларнинг нечоғлик аҳамиятли эканлиги аён бўлади. Айниқса, ок акация, арча, қарағай ва терак шовқиннинг кушандасидир, мутахассисларнинг фикрича, дарахт ва буталар шаҳардаги шовқиннинг таъсир кучини 74 фоизга камайтириб, 24 фоизини тўлиқ ўзига ютар экан. Бундан ташқари, дарахтлар бор жойда, албатта, қушлар бор, қушлар нағмаси борки, бунга изоҳнинг ҳожати йўқ.**

**Шу боис нафақат шаҳарларда, балки бутун республикамизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили жойларда кўплаб турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бу бир томондан, ота-боболаримиздан мерос анъаналарга содиқлик бўлса, иккинчидан, ўзимиз яшаб турган ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашга қўшган муҳим ҳиссамиздир.**



# Табиатга меҳр — инсонга меҳр

Яшил бойликни асраб қолиш ва уни бойитиш учун эса ўрмонлар, уларнинг аҳамияти ҳақида жамоатчиликни кенгроқ хабардор этиш зарур. Зеро, инсон ҳаёти табиат мувозанатини сақлаб турган ўрмон билан чамбарчас боғлиқдир. Республикамиз наботот дунёсининг муҳофазаси ҳақида гап борганда, энг аввало, ўсимликларнинг генетик нуқтаи назардан фойдали бўлган турларини муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият бериш керак. Ўзбекистонда қадимги субтропик ўрмонлардан қолган ўсимликларнинг айрим турлари мавжуд. Бодом, анжир, анор, ёнғоқ, ўрик, олча, нок шулар жумласидандир. Кейинги йилларда ерни ўзлаштириш ва бошқа баҳоналар билан кўплаб дарахтзор ва тўқайзорлар йўқ қилинди. Натижада қанчадан-қанча ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликлар дунёсига қирон келтирилди.

Юртимиз шифобахш ўсимликларга ҳам бой. Уларнинг аксарияти эса ўрмон ҳудудларида ўсади. Анзур пиёз, пском пиёз кабилар шулар жумласидандир. Шу туфайли ҳам улар табиат "Қизил китоби"дан жой олди.

Тоғларимизда бир неча ўн минг гектар ерда зиранинг ўсиши ва тарқалиши учун оптимал экологик шароит мавжуд. Бироқ минглаб гектар майдондаги зира ниҳоллари пайҳон қилинмоқда.Ваҳоланки, табиатдаги бирорта гиёҳга ноўрин тегиб бўлмайди.

Инсон камоли учун Буюк яратувчи томонидан инъом этилган жамики неъматлар ўз мақомида сақланиши зарур. Қолаверса, улардан бири кўпайиб, бошқасининг камайиб кетиши ва бирининг эътиборсиз қолиши иккинчисининг завол топишига сабаб бўлиши шубҳасиз. Табиатнинг буюк мувозанатига тегиб бўлмайди. Негаки, табиатдаги мавжуд сув ва чўл, аёз ва иссиқлик, кун ва тун, баландлик ва пастлик, тоғ ва чексиз саҳролар бағрида илоҳий бир яқинлик бор. Буни дилдан ҳис этиб, унга амал қилиб яшаш табиат қонунидир. Қолаверса, табиат инқирози жамият инқирозидир.

Доно халқимиз "ер - хазина, сув - гавҳар", деб бекорга айтмайди. Ер - халқнинг, давлатнинг энг катта бойлиги. Ризқ-рўзимиз манбаи, биздан кейин қоладиган авлодларимиз давомийлиги, мамлакатимиз қудратининг таянчи ҳам ердир. Бироқ, ҳар доим ҳам биз унинг қадрига етавермадик. Узоқ йиллар давомида пахта якка ҳокимлиги ҳукм сурди. Охир-оқибатда бизни тўйдириб, кийинтириб келган ер мадордан кетди. Қадимда ота-боболаримиз ҳосилни йиғиб олгач, ерга гўнг, эски деворнинг, ариқ ва зовурларнинг унумдор тупроқларидан ташиб солиб, имкон қадар унинг кучини қайта тиклаганлар. Қилинган бу ҳаракатлар сермашаққат бўлса-да, ҳар қалай тупроқ унумдорлигини сақлаб келган. Ота-боболаримизнинг бу ибратли удуми бора-бора унутиб қўйилди. Унинг ўрнига минерал ўғитларга ружу қўйилди. Натижада тупроқ таркибидаги чиринди кескин камайиб кетди.

Истиқлол туфайли одамларнинг ўз ишига, ҳаётга муносабати ўзгариб, ерга, мулкка эгалик ҳисси кучайди. Заҳматкаш деҳқон меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий тадбирлар, ернинг фермер хўжаликларига бўлиб берилиши ерга ва бошқа ресурсларга эгалик ҳисси кучайишига омил бўлди.

Бироқ шунга қарамасдан, республикамизда замин бойликларидан фойдаланиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Ер бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш борасида бир талай ишлар қилиш лозим бўлади. Айниқса, ернинг шўрланиши, захланиши, шамол, жала ва сел таъсирида емирилиши, чўлланиш жараёнлари, Орол денгизи қуриши оқибатида қум ва туз кўчиши каби ҳодисалар деҳқончиликка катта зарар келтираяпти.

Бахоланки, Президентимиз Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганларидек, "Қишлоқ хўжалиги бутун иқтисодиётимизни юксалтириш асоси, пахта эса эл-юртимиз бойлигидир".

Шундай экан, тупроқни эрозиядан сақлаш мақсадида ихотазорлар ташкил этиш, ерга ишлов бериш усулини такомиллаштириш, шўр ювишни сифатли ўтказиш, фан-техника ютуқларини кенг қўллаш, замин бойликларидан фойдаланишда комплекс тадбирларни амалга ошириш замон талабидир. Бу борада зах қочириш тадбирларини меъёрида ўтказиш, уларнинг оптималлигини таъминлаш лозим.

Ернинг ишлаб чиқариш қувватини қайта тиклаш, тупроқ таркибини яхшилаш ҳамда муҳофаза қилишда алмашлаб экишни тўлиқ жорий қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Шундай қилинганда ернинг унумдорлиги ошибгина қолмай, қишлоқ хўжалик экинлари турли касалликларга чалинишининг ҳам олди олинади.

Биз ҳамиша борлиқнинг бир бўлаги бўлганмиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоламиз. Бироқ инсон бошқа тириклик вакиллари сингари табиатнинг йўриғига юрмади. Балки ақл-заковатини ишга солиб, табиатни ўзига бўйсундиришга уриниб яшади. Лекин бу бизга жуда қимматга тушди: XX аср охирига келиб инсоният кўплаб экологик муаммолар билан рўбарў бўлди. Иқлим ўзгариши, ҳаво, тупроқ ва сувнинг ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг кескин камайиб кетиши, чўлланиш сингари инқирозларнинг умумсайёравий муаммога айланганлигини бугун барчамиз биламиз.

Шу туфайли ҳам мамлакатимиз истиқлолга эришгач, табиатни муҳофаза қилиш соҳасига давлат сиёсати даражасида катта аҳамият берила бошланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан атроф-муҳит муҳофазасига доир қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинди, норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларининг иш фаолиятини янада юқори савияга кўтариш имконини яратди.

Она меҳрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, унинг меҳру муҳаббати Ватан тафтидек муқаддасдир. Шунинг учун ҳам она-Ватан деймиз. Ватаннинг ҳар бир қарич ери, муқаддас тупроғини ардоқлайлик, кўзларимизга тўтиё айлайлик! Ундаги табиий ўсимликларнинг бой оламини асраб-авайлаб, уларнинг камайиши ва йўқолиб кетишининг олдини олиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, Ватанимизни боғроғларга буркаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Норбўта FОЗИЕВ,**
**журналист**



# Инсон ўзинг...

Инсоният тараққиётнинг юксак чўққиларига интилгани сайин унинг олдида турган муаммолар ҳам тобора глобал аҳамият касб этиб бормоқда. Бунга мисол сифатида саноат ривожини олайлик. Бугун ҳаётимизни турли-туман саноат маҳсулотларисиз тасаввур этолмаймиз. Аммо уларни ишлаб чиқариш учун жуда кўп сув ва бошқа табиий ресурслар ишлатилиши боис жаҳон миқёсида ўрмонлар майдони камайиб, чўлланиш жараёни тезлашиб кетаяпти. Масаланинг яна бир жиҳати борки, унга тўхталмасдан иложимиз йўқ. Бу дунёдаги сон-саноқсиз завод ва фабрикалар, автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар муаммосидир. Улар ўзимиз нафас олаётган атмосферани ифлослантириш билан бирга ундаги озон қатламининг емирилишига, сайёрамиздаги ўртача ҳароратнинг кўтарилиб, Арктика ва Антарктидадаги абадий музликларнинг эришига олиб келаяпти. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, 50-60 йиллардан сўнг дунё океанининг сатҳи анча кўтарилиб, кўпгина давлатларни сув босиш эҳтимоли бор.

Табиатга, атроф-муҳитга етказилаётган бундай зарарни ўз ҳаётимизда ҳам кўриб турибмиз. Тожикистон алюминий заводи чиқараётган зарарли моддалардан мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари аҳолиси жиддий зиён кўрмоқда. Орол денгизининг қуриб бораётганлиги эса нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон миқёсидаги экологик ҳалокатдир. Яқинда Қозоғистонда бўлиб ўтган сув муаммоларига бағишланган саммитда мамлакатимиз Президенти Орол фожеасига собиқ Иттифоқ раҳбариятининг узоқни кўзламай юритган сиёсати, яъни Амударё ва Сирдарё сувини янги ерларни ўзлаштириш учун аямай ишлатиш сабаб бўлганлигини таъкидлаган эди. Шу ўринда ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатлар раҳбарларининг трасчегаравий дарёлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишга уринаётганликлари халқаро ҳуқуққа зидлигини таъкидлаб, бу халқаро мустақил, холис экспертларнинг текширувини тақозо қилишини айтиб ўтди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги позицияси аниқ-равшан ва ўзгармасдир: бунда минтақада яшовчи барча халқларнинг манфаатлари бирдек ҳисобга олиниши зарур.

Мамлакатимизда бу борада етарли ҳуқуқий база яратилган. Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси мисолида айтадиган бўлсак, 2009 йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг ижросини мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан назорат тартибида ўрганиш учун олинган текширув материалларига кўра, 2009 йил 16 январь куни Қораўзак тумани "Қораўзакбалиқ" МЧЖга қарашли кўлда фуқаро Ж.Турдиев, О.Давлетмуратов ва бошқалар, жами ўн киши 1515 кг. балиқни ноқонуний равишда овлаб, пуллаш мақсадида Ж.Турдиевга тегишли "ГАЗ-66" маркали автомашинада олиб кетаётганида Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан ушланганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 17 январь куни Беруний туманида яшовчи Ш.Файзуллаев, К.Файзуллаев, Р.Файзуллаев ҳамда Р.Аллановлар ҳам шу кўлда рухсатсиз 300 кг. балиқ овлаётган пайтида ушланганлар.

Терговолди текширув ҳаракатлари давомида уларни бу ножўя ишга Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш инспекцияси нозири Ўмирбек Бекбўсинов ундаганлиги аниқланди. Шу тариқа давлатга 7.018.750 сўмлик зарар етказилган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, айблов хулосаси билан судга юборилди.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Маълумки, ўрмонларнинг инсонлар ва барча тирик организмлар ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Лекин буни барча бирдай тушунаяпти деб айта олмаймиз. Кегейли тумани, Бўзатов ўрмон хўжалигига қарашли Наупир бош ўрмон беги 4-айланмаси 22 кварталида фуқаро Пўлат Айтилеуов қонунга зид равишда 28 туп тўронғил дарахтини кесиб, 953 минг 360 сўмлик, Дуйсенбой Ашилов эса 43 туп ҳар хил дарахтларни кесиб, табиатга 1 миллион 947 минг сўмлик зиён келтирганлар.

Бу ҳолат бўйича жиноий ишлар бўйича Нукус туман судига даъво ариза киритилди ва айбдорлар тегишли жазосини олди.

Жиноятга жазо муқаррар. Қонун устувор мамлакатда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо бизнинг яна бир мақсадимиз бор: фуқароларда қонунларга ҳурмат руҳини тарбиялаш, уларга инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги ҳиссини сингдиришдир. Одамзот табиатга етказаётган зарари ўзига, фарзандларига, келажак авлодларга зиён бўлиб қайтишини англаши керак.

**Рахат ЖАББОРБЕРГЕНОВ,**
**Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурори.**
**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**

## НАФАҚА ТЎЛАНАДИМИ?

***Мен бир неча йил давомида ногирон фарзандимни парвариш қилганлигим учун шу даврда ишлай олмадим. Яқинда фарзандим вафот этди.***

***Ногирон боламни парвариш қилган даврим пенсияга чиқишда ҳисобга олинадими?***

***Дафн этиш маросими учун пул тўланадими?***

**Г.МУҲАММАДИЕВА,**
**Каттақўрғон тумани**

Ҳисобга олинади, албатта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига кўра, I гуруҳ ногиронини ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парвариш қилиш вақти қуйидагилар асосида аниқланади:

парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси;

ногиронликда бўлганликни (I гуруҳ ногиронлар ва ногирон болалар учун), ёшни (кексалар ва ногирон болалар учун) тасдиқловчи ҳужжатлар.

Парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий аҳволини текшириш ижтимоий таъминот бўлими томонидан маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой ташкилотлари) фуқаролар йиғинидан олинган маълумотлар, қўни-қўшнилар билан ўтказилган суҳбат асосида бажарилади.

Ногиронликни тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) дан ўтганликни тасдиқловчи далолатномадан кўчирма, тиббий хулоса, нафақа олувчининг гувоҳномаси, ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси ва бошқалар қабул қилиниши мумкин.

Ёшни тасдиқловчи ҳужжат сифатида паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма қабул қилиниши мумкин.

Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимларгагина берилади.

## ЖАЗОЛАШ ШАРТМИ?

Мен икки ой олдин ҳайдовчилик гувоҳномамни ва талонни йўл ҳаракати қоидасини бузганлигим учун олдириб қўйган эдим. Талон олинганидан кейин вақтинчалик рухсатнома берилганди. Аксига олиб эрталаб ишга кетаётиб бу рухсатнома уйда қолиб кетибди. Шунинг учун йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори тўхтатган пайтда уни кўрсатолмадим. У эса атай қилмаганлигимга қулоқ солмай баённома тузиб, жаримага тортилишимни айтди. Айтинг-чи, бундай вазиятда жаримага тортиш тўғрими?

**Ж.ОТАЖОНОВ,**
**Зомин тумани**

Бундай ҳолат маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифасига кириб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддасида белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади. Яъни, мазкур модда талабига кўра, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки унинг талони, ишончнома, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги ёки транспорт воситасига тааллуқли ўзга ҳужжатлар ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

## ТРАКТОРНИНГ ТЕХНИК КЎРИГИ

***Мен яқинда трактор сотиб олган эдим. Бир танишим тракторни техник кўрикдан ўтказиш кераклигини айтди. Шу тўғрими? Агар бундай кўрик ўтказиладиган бўлса, унинг тўлови қанча?***

**Й.ЖАКБАРОВ,**
**Бағдод тумани**

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳамда белгиланган тартибда "Ўздавтехназорат" органларида рўйхатдан ўтказилган тракторлар ва шу каби техникалар бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилиши лозим.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2004 йил 15 ноябрдаги 248-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, бундай техник кўрикдан ўтказиш муносабати билан энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида йиғим ундирилади:

тракторлар, ўзиюрар машиналар, мелиоратив машиналарга 0,08 фоизи;

трактор тиркамаларига 0,04 фоизи;

биринчи техник кўрикдан носоз деб топилган шу каби техникалар такрорий техник кўрикдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдордаги йиғим қайта ундирилади.

## КИМНИНГ ТАЛАБИ ТЎҒРИ?

***Мен иш юзасидан Тошкентга кўчиб келган эдим. Шахсий турар жой олишга пулим етмаганлиги сабабли ижарага уй олишга тўғри келди. Ҳаммаси қонуний бўлиши учун уй эгаси билан ижара шартномасини туздик. Орадан бир йил ўтиб, ўзим уй сотиб олдим. Шунинг учун ижара уйидан чиқиб кетмоқчи бўлганимда уй эгаси менга шартнома бўйича келишилмаган бўлса-да, чиқиб кетишдан олдин уйимни ремонт қилиб берасан деб туриб олди. Мен нима учун десам, у деворларнинг айрим жойлари кўчганлигини, обойлари йиртилиб кетганлигини кўрсатди. Ахир, уйингиз 1-қават, бунинг устига подвалдаги сув таъсири билан обойлар кўчаётганлиги яққол кўриниб турибди, ремонт қилинганига жуда кўп йиллар бўлганлиги учун эскириши табиий-ку, десам ҳам тушунгиси келмаяпти. Бу низода менинг талабим тўғрими?***

**О.ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳри**

Фуқаролик кодексининг 610-моддаси талабига кўра, ижарага берилган уй-жойни жорий таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жойни капитал таъмирлаш, агар уй-жойни ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг зиммасидадир.

Ижарага берилган уй-жой жойлашган уйни қайта жиҳозлашга, агар бундай қайта жиҳозлаш уй-жойдан фойдаланиш шарт-шароитларини жиддий равишда ўзгартирса, ижарага олувчининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

## ЗАРУРИЙ ҚЎЛЛАНМА

***Мен яқинда бир корхонага раҳбарлик лавозимига тайинландим. Ишни қабул қилиб олганимдан кейин корхона фаолиятига доир барча ҳужжатлар билан атрофлича танишиб чиқдим. Лекин ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бир хилда эмас. Уларнинг аксариятининг муддати шу йили тугайди. Шунинг учун уни янгидан тузишда неча нусхадан иборат бўлиши ва умуман уни расмийлаштириш тартиби, аввал буйруқ ёки шартнома тузиш кераклиги тўғрисида атрофлича маълумот берсангиз.***

**Т.ҚАМБАРОВА,**
**Самарқанд шаҳри**

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган "Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан Тавсиялар" бу борадаги сиз учун зарур қўлланмадир.

Меҳнат шартномаси (контракт) бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ҳамда сақлаш учун ҳар икки томонга берилади.

Шартнома (контракт)да томонларнинг манзиллари кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси (контракт) сана кўрсатилган ҳолда имзолар билан тасдиқланади. Корхона, муассаса, ташкилот ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг имзосини гербли муҳр билан тасдиқлайди (гербли муҳр бўлмаган тақдирда имзонинг ҳақиқийлиги ва ваколатлилигини тасдиқловчи бошқа муҳр билан тасдиқланади).

Ходимнинг талабига кўра меҳнат шартномаси (контракт) у биладиган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома (контракт) билан бир хил кучга эга бўлади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Буйруқ тузилган меҳнат шартномаси (контракт) мазмунига зид бўлмаслиги керак.

## ИМКОНИЯТИ БЎЛМАСА...

***Мен бир суд билан боғлиқ иш туфайли юридик ёрдам олишга мажбур бўлмоқдаман. Лекин бунинг учун маблағим етарли даражада эмас. Нима қилсам бўлади? Бу борада биз каби фуқароларга имтиёз йўқми?***

**З.ШАРИПЖОНОВ,**
**Тошкент вилояти**

Республика Адлия вазирлигида 2008 йилнинг 2 декабрида 1878-сон билан рўйхатга олинган "Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом қоидаларида бу каби ҳолатларда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими асос бўлади.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт бўлган муддатларда кўрсатилган ҳужжатларни тўплаш имконияти бўлмаса, суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳужжатларни келгусида тўплаш билан гумон қилинувчи ва айбланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга асослар мавжуд эмаслиги фактлари аниқланса, адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам бўйича харажатларни қоплаш ҳукм қилинганга юклатилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 52-моддасининг 2-қисмига мувофиқ жиноят ишида ҳимоячининг қатнашиши мажбурий деб ҳисобланган ҳолларда ҳам юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш бўйича харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

## МУРОЖААТ КЎРИЛАДИМИ?

***Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига фуқаролар ҳам мурожаат этишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, қандай турдаги масалалар юзасидан мурожаат қилиш мумкин?***

**Д.МАМАЖОНОВА, Тошкент шаҳри**

Албатта ҳақли. Фуқароларнинг Конституциявий судга қилган мурожаатлари "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ва "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига қилган мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига мувофиқ равишда кўриб чиқилади.

Конституциявий судда бевосита Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хорижий давлатлар фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади. "Конституциявий суд тўғрисида"ги Қонунга кўра Конституциявий суд ўз ваколатлари доирасида қуйидаги мазмундаги мурожаатларни кўриб чиқади:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қонун ва қарорларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг қабул қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалар ва бошқа мажбуриятларнинг олиши муносабати билан бузилиши тўғрисидаги;

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги;

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларининг талқини тўғрисидаги.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.**

**Саволларга Бош прокуратура бошқарма катта прокурори А.МАМАТАЛИЕВ жавоб берди**

***Даврнинг жадал тараққиёти, ҳар бир соҳада рўй берган оламшумул ўзгаришлар, хусусан, одамлар онги ва дунёқарашидаги юксалишлар янги аср бошланишидаги ютуқлар деб эътироф этилса арзийди.***

***Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди. Бугунги кунда халқаро муносабатларда фаол иштирок этаётган мамлакатимизда нафақат умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни, балки минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# ОДАМ САВДОСИ —

## трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг қабиҳ тури

Таъкидлаш жоизки, жаҳон цивилизацияси ривожланишининг тезлашуви шароитида дунё халқларини ташвишга солаётган ОИТС, гиёҳвандлик каби глобал муаммолар рўйхатида одам савдоси жинояти ҳам пайдо бўлди. Афсуски, инсон ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига таҳдид солаётган бу трансмиллий жиноятчилик Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтган эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси Рашитжон Қодировнинг "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Одам савдоси - умумжаҳон миқёсидаги муаммо" мақоласида инсонлар савдоси билан боғлиқ муаммолар ҳар жиҳатдан мукаммал таҳлил этилади.

Дарҳақиқат, одам савдоси билан шуғулланаётган жиноятчи биринчи навбатда миллат шаънини эмас, балки мўмай даромадни, тезроқ бойиб кетишни ўйлайди. Бундай кимсалар ўз юртдошини қул каби сотишдан, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлашдан ор қилишмайди. Мақола муаллифи эътироф этганидек, "... одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз кирдикорларини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар".

Бу ўз навбатида ноқонуний миграция салмоғини ошириб, криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатади. Турмуш ўртоғи, ўғли ёки бошқа яқин қариндошини чет элда ишлаб пул топишга кетган деган хаёлда юрганлар ҳам алданганларини кеч тушуниб етишади. Баъзан қўрқиш, номига иснод келтиришдан чўчиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини англамаслик одам савдоси билан шуғулланган жиноятчининг жавобгарликдан қутулиб қолишига, фаолиятини давом эттиришига имкон яратади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Истиқлол туфайли юртимиз фуқаролари хориж давлатларига бемалол чиқишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизга кўра суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Зеро, Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аввало, инсон манфаатлари, унинг турмуш шароитларини яхшилаш, ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан ҳимоя қилиш мақсади мужассам.

Одам савдосига қарши курашиш, унинг жамиятга, одамларга келтирадиган салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, бу турдаги жиноятларни тамоман бартараф этишнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Хусусан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"-ги қонун ҳамда Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, одам савдоси каби трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш борасида муҳим ҳужжат бўлиб қолади.

**Шухрат КАРИМОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма катта прокурори**



# АКА-УКА «ЁЛЛОВЧИ»ЛАР

Толик уларни бўш квартирага жойлаб қўйди. Ошпазлик қилаётган ишбоши Шокиржон мазам йўқ, даволанмасам бўлмайди, дея қишлоғига кетиб қолди. Унинг ўрнига укаси Зокиржон ишбоши бўлиб қолди. Олти киши иккига бўлиниб, уч нафари Толикнинг, учтаси Ҳожимуроднинг уйини қуришаётган эди. Ҳайит арафасида иш ниҳоясига етиб қолди. Зокиржондан ҳисоб-китоб қилишни сўрашган эди, эрта-индин деб, ортга сураверди. Шундан сўнг уй эгаларига учрашишди. Толик ҳам, Ҳожимурод ҳам, "Иш ҳақларингни Шокирга берганмиз" деб қутилишди. Зокиржон эса "Шунақами? Менинг хабарим йўқ" дея, ўзини билмаганга олди. Ака-укалар хорижда ишлашга ёллаган беш нафар йигит уйларига қуппа-қуруқ қайтишга мажбур бўлишди.

нинг топшириғига биноан қурувчи йигитларни хорижда ишлашга аврай бошлади:

— Ётиб-турадиган жой аниқ, еб-ичишдан ташқари ойига икки юз эллик доллар тўлайди.

Хорижда чув тушганлар қўлларини силташди. Фақат икки киши "қармоқ"қа илинди. Апрелнинг бошларида З.Билтиров хотини ва маҳалладошлари А.Умаров, А.Хўжамовлар билан Тошкентга жўнади. У ердан Қозоғистонга ўтишди.

Уларни Шокиржон Эржан исмли қозоқ йигит билан кутиб олди.

— Паспортларингни манави йигитга топширинглар, — деди у меҳмонларга. Сўнг ўзи яшаётган квартирага бошлаб борди.

Йигитлар Толикнинг уйида иш

қурувчилар уй эгаларини топиб боришди...

* * *

Суд мажлисида Шокиржон айбига қисман иқрор бўлди. 250 доллардан иш ҳақи ваъда қилиб, укаси билан бирга беш нафар йигитни Қозоғистондаги қурилишда ишлатганини тан олди.

Қайтганларидан кейин бир неча марта Шокиржонга учраб иш ҳақларини талаб қилишди. У бўлса, "Толик билан Ҳожимурод аллабди. Менга бир тийин ҳам беришгани йўқ, тўлаттириб бераман пулларингни", деб лақиллатиб юраверди. Маҳалладаги йиғилишлардан бирида одам савдоси ҳақидаги суҳбатни тинглаганларидан сўнгтина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мурожаат этишга қарор қилишди.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Тергов ҳаракатлари ниҳоясига етиб, иш судга юборилди.

* * *

Гўровон қишлоғилик Шокиржон Билтиров муқаддам судланиб, Амнистия фармонига мувофиқ жазони қолган қисмини ўташдан озод этилган эди. У ўзига кўрсатилган мурувватдан тегишли хулоса чиқармай, яна жиноят кўчасига кирди. Укаси Зокиржонни ҳам йўлдан урди.

Ака-ука ўтган йилнинг февралида Қозоғистонга ишлагани боришди. Толик исмли йигитнинг қурилишида иш бошлашди.

— Тўрт хонали уйимни битказиш керак, — деди Толик орадан бир ой ўтгач.

— Аввал нархини келишиб олайлик.

Шокиржон иш жойини бориб кўрди. Савдолашиб, 4000 долларга битказиб беришга келишди.

— Укам икки-уч кунга уйига кетган, телефон қилиб тайинлайман, — деди сўнгра. —Усталарни олиб келади.

Ўз навбатида Зокиржон акасибошлашди. Май ойи бошларида Эржан бошқа бир уйда иш бор, қурувчилар керак, деди.

Шу заҳоти уйига қайтган Шокиржон Балиқчига қайтиб, Қозоғистонда катта пул ишлаб топса бўлади, дея жар солишга киришди. Ҳамқишлоқлари А.Пўлатов, А.Кенжаев ва Ғ.Сўпихоновлар унинг ваъдаларига ишониб, йўлга отланишди. Эржан уларнинг ҳам паспортларини олиб қўйди. Сўнгра Ҳожимурод деган кимсага рўпара қилди. Унинг янги уйини қура бошлашди. Шокиржон уларга ошпазлик қилди. Бир неча кундан кейин даволаниши кераклигини айтиб, уйига равона бўлди.

Кўп ўтмай укаси ҳам уйига қайтадиган бўлиб қолди:

— Қайноғамнинг тўйини ўтказиб қайтаман, — деди у. — Пул берворсаларинг, оилаларингга элтиб бераман.

Йигитлар аванс тариқасида олишган 100 минг сўмдан пулларини унинг қўлига тутқазишди. Зокиржон тўйни ўтқазиб, ортига қайтди.

— Телефонда уйдагилар билан гаплашдик, пулларни бермабсизку?

— Йўлкира билан тўёнага ишлатиб қўйдим. — Уйга қайтаётганимизда тўлайман.

Улар қарийб тўрт ой учта қурилишда ишлашди.

— Ҳайитни уйимизда ўтказмасак бўлмайди. Ҳисоб-китоб қилайлик, — дейишди йигитлар.

— Бўпти, мен гаплашаман, — деган Зокир, ҳисоб-китобни "чўзма лағмон"дай чўзаверди. Шундан сўнг

— Соғлиғим ёмонлашиб, уйга қайтаётганимда Толикдан 220 минг сўм сўраб олдим. Йигитларнинг иш ҳақлари ҳисобидан олган 440 минг сўмни қурилишда ишлатиладиган асбоб-ускуна сотиб олишга сарфладим. Толик, Эржан ва Ҳожимуродлар муттаҳамлик йўлига ўтиб, иш ҳақининг қолган қисмини беришмади. Ўзим ҳам куйиб қолдим. Шу боис йигитларга пулларини тўлиқ бера олмадим.

Укаси эса айбига тўла иқрор бўлди.

— Акамнинг гапи билан уч кишини ишлаттани бошлаб бордим. Уйга, тўйга келганимда, уч юз минг сўм пулларини оилаларига элтиб беришни ваъда қилиб олгандим. Ишлатиб қўйдим. Иш ҳақимдан бермоқчи эдим, лекин акам менинг ҳам иш ҳақимни олиб беролмади.

Жабрланувчилар хорижда ишлаб топишган бир миллион сўмдан иш ҳақларини судланувчилардан ундириб беришни сўрашди.

Суд ака-укаларга қилмишларига яраша жазо тайинлаб, улардан жабрланувчиларга иш ҳақларини ундириб беришни лозим деб топди.

Жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бирга туманимизда одам савдоси жиноятининг олдини олиш учун тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш орқали меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

**Тўлқинжон ТОШТЕМИРОВ,**
**Балиқчи туман прокурори**

# ЖАБР ҚИЛГАН ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

Меҳнатсевар, бағрикенг халқмиз. Меҳмондўстлик, йиқилганни суяш каби хислатлар ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлиб келаяпти.

Бахтиёр Наврўзов ана шу халқнинг фарзанди. У ҳам ҳамқишлоқлари қатори меҳнат қилиб, рўзғор тебратарди. Аммо сўнгги пайтда топганига қаноат қилмай қолди. Шу боис бўлса керак, 2008 йилнинг сентябрида янада яхшироқ яшаш, орзу-ҳаваслари учун етарли маош бериладиган иш излаб, Россияга йўл олди. Санкт-Петербург шаҳрига келиб, қурилиш бўладиган "объект" топди. Шундан кейин Олот туманида яшовчи қариндошларини телефон орқали ёнига чақирди.

Ўзлари учун қулай ва яхши даромадли иш топилганидан хурсанд бўлган В.Аллабердиев, Э.Аллабердиев, З.Эргашев ҳамда В.Юлдашевлар Бахтиёрнинг акаси Умар Наврўзовнинг ҳамроҳлигида 17 ноябрь куни самолётда Россияга учишди. Уларни Бахтиёрнинг ўзи кутиб олиб, Гаччина шаҳарчасидаги уйлардан бирига ижарага қўйди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди.

Суд мажлисида жабрланувчи сифатида қатнашган Умар Наврўзовнинг кўргазмасидан: «Бахтиёр туғишган укам бўлади. Унинг ваъдасига ишониб ўзга юртга ишлаш учун бордик. У паспортимиз билан бирга ҳар биримиздан минг рублдан олди. Бу пуллар озиқ-овқат ва уй-жой учун эканлигини айтиб, бизга "Заводга ишга кириш ҳал бўлгунча мен буюрган ишларни бажариб турасизлар. Пулини ўзим гаплашиб бераман", деди. Бир-икки кун ўтгач, бир рус одамникига олиб бориб, уйларнинг қорини куратди. Пулини эса ўзи олди.

Яна бир куни бизга ҳаво совуқ, ҳаммаёқ музлаган пайтда бир кишининг уйи атрофидан газ трубаси учун 12 метр узунликда, чуқурлиги ва эни 1 метр келадиган ариқ қаздирди. Аммо пулига келганда... Бахтиёр Россия фуқаролари билан гаплашиб, иш топиб, бизни ишлатса-да, иш ҳақимизни ўзи оларди.

2008 йилнинг декабрида уйга жўнатиш учун Бахтиёрдан пул сўрадик. Шунда у навоийлик ва водийлик безори ўртоқларини бошлаб келиб: "Сизлар қул, мен нимани буюрсам, шуни қиласизлар. Бўлмаса, уйларингга ўлигинг кетади. Киссаларингга 3 грамм гиёҳванд модда тиқиб, қаматтириб юбораман", дея дағдаға қилди.

Анатолий исмли одамнинг ёғочларини машинага ортиб берган Бахтиёрнинг "қул"лари меҳнатлари эвазига 2500 рубл ишлашган бўлса, Андрейнинг ишлари учун 5500 рубл ҳақ олишлари керак эди. Аммо бу пуллар Бахтиёрнинг ҳамёнига тушди. Тўғри, бир гал Андрей уларга 10 минг рублдан маош, яна бир марта 5 мингдан аванс тарқатди. Бироқ булар ҳам шу заҳоти "эга"сини топди.

Бахтиёрнинг Ўзбекистонга қайтиши ҳамюртлари учун айни муддао бўлди. Улар Бахтиёр кетиши билан Андрейдан паспорт билан 5 минг рублдан пул олиб, Москвага боришди-да, у ердан иш топишди. Керакли маблағни топиб, она юртга қайтишди.

Бахтиёрнинг қилмишлари ошкор бўлгач, иш судга оширилди. Ҳукм ўқилди. Бахтиёр Наврўзов ЖКнинг тегишли моддасига асосан уч ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бугунги кунда ўзга юртларга ноқонуний кетаётган фуқароларимизнинг қийин аҳволга тушиб қолаётганликлари ҳақида кўп эшитаяпмиз. Юқоридаги ҳолатда эса нафақат ҳамюртларини, балки қондош биродарини ҳам чув туширган кимсанинг кирдикорлари баён қилинди.

Ўзгалар ҳисобига бойлик орттиришдан ор қилмайдиган, пул учун бегуноҳ инсонларга ҳам жисмонан, ҳам маънан озор етказувчиларни ким деб аташ мумкин? Албатта, бу дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Ўз нафси учун инсонийлик чегарасидан чиққанлардан бири бўлмиш Бахтиёр Наврўзов ҳам жабр қилганига яраша жазосини оладиган бўлди.

**Бахтиёр ХОЛОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

# ШАРАФЛИ ФАОЛИЯТ СОҲИБИ



Дарҳақиқат, ҳамкасбимиз Ҳаким Нурматовни шундай деб аташга тўла ҳақлимиз. Катта ҳаётий тажрибага эга Ҳаким Холович 1966-1971 йилларда Тошкент Давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) таҳсил олган бўлса, прокуратура органларидаги фаолиятини 1971 йил Бухоро вилоятининг Ромитан туман прокурорининг ёрдамчиси бўлиб бошлаган.

1973-1982 йилларда Навоий туман прокуратураси терговчиси лавозимида ишлади. Ҳаким Холовични вилоятимизда айниқса, қизилқумликлар яхши билишади. Ҳаким Нурматов 1978-1982 йилларда Томди туман прокурори, 1985-1987 йилларда Навоий туман прокурори, 1991-1995 йилларда яна Томди туман прокурори лавозимларида фаолият кўрсатди.

Ҳаким акани яхши билганлар уни фидоий, тажрибали мутахассис эканлигини, билим ва тажрибасини ёшлардан аямаслигини, айниқса одамохунлигини, дилкашлигини жуда қадрлашади. Ҳақиқатан у киши иш жараёнида ўзига ва бошқаларга талабчан, аммо бўш вақтида ҳазилни яхши кўради.

Адлия маслаҳатчиси Ҳаким Холович 2001 йилдан Қизилтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Бухоро, Ғиждувон, Қизилтепа томонларга йўли тушган ҳамкасблар Ҳаким акани албатта, йўл-йўлакай йўқлаб боришади. Бу меҳр ришталари бекорга боғланиб қолмаган. Буни Ҳаким акага хос самимийлик, дилкашлик каби фазилатлар самараси деб қарасак, тўғри бўлади.

Қадрдон ҳамкасбимиз Ҳаким ака айни кунларда муборак 60 ёшни қаршиламоқда. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлардаги меҳнат фаолиятига эса 36 йил тўлди. Шундай кунларда шарафли меҳнат соҳиби Ҳаким акага узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз. Дўстлар даврасидаги самимийлик, қувноқлик, дилкашлик сизни ҳеч қачон тарк этмасин, азиз устоз!

**Шавқиддин ЖАМОЛОВ,**
**Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Прокуратура органлари олдига янада масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш эса кадрларнинг малакасига ва масъулиятини қанчалик ҳис эта билишига боғлиқдир.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан прокуратура органларида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш мақсадида "Қонунчилик мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Маркази" негизида "Олий ўқув курслари"ни ташкил этиш тўғрисида Қарор қабул қилинганлигини сўзимизнинг исботи сифатида кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Прокуратура органлари ходимларининг касбий малакасини ошириш билан бирга, уларни халқаро миқёсда юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан таништириш ходимларнинг билим ва савиясини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи З.Дусановнинг Россия Федерацияси молиявий мониторинг хизмати Халқаро ўқув-услубий маркази (МУМЦФМ) Бош директори А.Баталов билан ўтказган учрашуви давомида ҳам муҳокама қилинди. Учрашув давомида Департамент ва Росфинмониторинг ўқув маркази ўртасида кадрларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ҳамкорлик ишларини амалга оширишга келишиб олинди.

Учрашувда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари бошлиғи Т.Умаров Россия Федерацияси молиявий мониторинг хизмати халқаро ўқув-услубий марказининг имкониятларидан фойдаланиш прокуратура органларида кадрларни тайёрлаш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу йил 20-30 май кунлари Россия Федерациясининг Молиявий мониторинг Федерал хизмати (Росфинмониторинг) қошидаги ўқув марказида Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар вакилларининг малакасини ошириш юзасидан ўқув семинари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белорус, Тожикистон вакиллари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Ушбу тадбир Росфинмониторинг Халқаро ўқув-услубий маркази ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар вакилларининг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишдан иборатдир.

Тадбирда Россия Федерациясининг қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, Россия Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Банклар ассоциацияси, Молиявий бозорни ривожлантириш институти, аудиторлик компаниялари ва бошқа давлат идоралари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида сўзга чиққан иштирокчилар жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида кадрларни тайёрлаш долзарб ва муҳим масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ўз навбатида, Росфинмониторинг ўқув маркази раҳбарияти айни пайтда марказ томонидан Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг тизимига ва талабларига мос ўқув курсларини ташкил этиш юзасидан ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

2009 йил давомида ушбу ўқув марказида 15 нафар Департамент ходимлари таҳсил олиб қайтдилар. Йил охиригача яна 20 нафар Бош прокуратура ва Департамент ходимларининг Россия Федерациясида малакасини ошириши режалаштирилмоқда.

**Зоҳид ХАТАМОВ,**
**СВОЖЖДЛҚК Департаменти**
**Халқаро алоқалар бўлими катта инспектори**

# САЙЛОВМИ ЁКИ ТАЙИНЛОВ?

**Ибн Сино номли маҳалла фуқаролар йиғинининг сайланганига эндигина икки ой бўлган раиси Т.Парманов сохта ҳужжат тузиб, чет эл фуқаросига Ўзбекистон фуқароси паспортини расмийлаштиришдан иборат жиноий қилмишга бош қўшган, Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига асосан унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилган эди. 2009 йил январь ойида Т.Парманов МФЙ раиси лавозимидан бўшатилди. Унинг ўрнига янги раис сайланиши лозим эди. Бир гуруҳ фуқаролар ушбу лавозимга ИИБ идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан, 2003 йилда МФЙ раиси бўлиб ишлаган, 62 ёшли Нўмонжон Турсуналиевни қайта сайлаш ташаббуси билан чиқишди. Унинг номзодини кўрсатиш учун имзоларни йиғиб, Фарғона шаҳар ҳокими номига ариза ёзиб топширишди.**

Шу йил 19 май куни кеч соат 18.00 да Ибн Сино номли МФЙ раисини қайта сайлаш учун йиғилиш чақирилди. Йиғилиш 29-сонли мактаб залида соат 18.30да бошланди. Уни олиб борган шаҳар ҳокимлигининг вакили И.Денисов аввало, кечикиб келгани учун узр сўради. Тартиб-қоидага кўра саноқ комиссияси аъзолигига номзодларни кўрсатиш таклифини киритди. Уч нафардан иборат комиссия аъзолари ҳамда йиғилиш котибаси тасдиқланди. И.Денисов МФЙ раислигига кўрсатилган уч нафар номзоддан бири ўз номзодини қайтариб олгани, яна бири — Н.Турсуналиев номзоди мақбул эмас, деб топилганини баён этиб, унинг ўрнига С.Нишонов номзодини овозга қўйишни таклиф қилди. Уни таништириб ўтди. Бунга қарши нега маҳалла аҳлининг бир қисми таклиф этаётган Н.Турсуналиев номзоди овозга қўйилмаяпти, деган мазмунда эътирозлар билдирилди. "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси А.Мадорипов қонунга биноан шаҳар ҳокимлиги кўрсатилган номзодларни ўрганиб, улар орасидан ҳар жиҳатдан бенуқсон, муносибларини овозга қўйишга тавсия этади, дея изоҳ берди. Лекин, айнан Н.Турсуналиевнинг номзоди нега тавсия этилмади, деган саволга асосли, мантиқли жавоб бера олмади. Унинг изоҳидан қониқмаган сайловчиларнинг бир қисми йиғилишни намойишкорона тарк этишди. Йиғилишни давом эттириш керакми ёки бошқа кунга қолдириш лозимми, деган савол туғилди. Залда қолган фуқароларнинг аксарияти давом эттиришни сўрашди.

Йиғилиш раиси номзодлар — Г.Козимова ва С.Нишоновни яна бир бор таърифлаб берди.

Г.Козимова ўзига билдирилган ишонч учун миннатдорчилигини изҳор этиб, ўз номзодини қайтариб олмоқчи бўлди. Йиғилиш раиси И.Денисов бир кишини сайлашдан иборат сайлов ҳақиқий ҳисобланмаслигини уқтириб, такроран унинг номзодини ҳам овозга қўйишни таклиф қилди. Йиғилиш аҳли бунга розилик билдирди.

Сайлов очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилди. Кўпчилик овоз билан ушбу лавозимга С.Нишонов сайланди.

С.Нишонов билан "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўптиражли газетасида ишлаган кезларимда танишганман, кўп бора суҳбатлашганман. Олий маълумотли муҳандис, тажрибали мутахассис цех бошлиғигача лавозимларда меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган. Айни куч-ғайратга тўлган ташкилотчи, ҳалол-пок, қаҳрли, эл-юрт ишига камарбаста, камтарин ва жонкуяр инсоннинг МФЙ раиси этиб сайлангани нур устига аъло нур бўлади. Бироқ...

Амалдаги қонунга биноан МФЙ раислигига кўрсатилган, тавсия этилган номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурлари баён қилинган варақалар маҳалладаги кўзга кўринарли жойларга илиб қўйилиши, сайловчилар кимни сайлаётганлари хусусида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Қонунда, шунингдек улардан бирини сайлаш учун чақириладиган йиғилишга маҳалла аҳли муайян миқдорда вакилларини юбориши кўзда тутилган. Вакилларнинг рўйхати тузилиб, йиғилиш бошланганда улардан неча нафари қатнашаётгани, неча нафари қандай сабабларга кўра қатнаша олмаётгани эълон қилинади. Вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда, сайлов натижалари қонуний деб эътироф этилади. Лекин, мазкур йиғилишга вакиллар кўрсатилмаган, уларнинг рўйхати ҳам тузилмаган эди.

Ушбу эътирозга йиғилишда қатнашаётган шаҳар ҳокимининг ўринбосари Г.Холматжонова қуйидагича изоҳ берди. "Маҳалла фуқаролар йиғини раиси икки ярим йил муддатга сайланаётганда шундай қилинади. Ҳозир ўрни бўшаб қолган, ишдан кетган раис лавозимига шаҳар ҳокимлиги тавсия қилган номзодлардан бири уч ойлик синов муддати билан қўйиляпти".

Агар "синов муддати билан қўйилаётган" бўлса, сайловнинг, икки нафар номзодни тавсия қилиб, уларга овоз беришни сўрашнинг нима ҳожати бор эди?

Қолаверса, ушбу "умумий йиғилиш" (вакиллар йиғилиши эмас) муқаддимасида неча киши қатнашаётгани, неча киши йиғилишни намойишкорона тарк этганининг саноғи чиқарилмади, эълон қилинмади.

Ҳар томонлама тайёргарлик кўрилиб, (бунинг учун уч ярим ой муддат етарли эди) қонун талабларига мувофиқ ўтказилганида, маҳалла аҳлининг муайян қисми ёқлаётган номзод ушбу лавозимга нима сабабдан тавсия этилмагани (фуқаролиги, соғлиги, ёши, раҳбарлик, етакчилик қила олиш қобилияти, агар бор бўлса, аввал, шу лавозимда ишлаб йўл қўйган хато ёки камчиликлари ва ҳоказо асосланган сабаблар кўрсатилиб) ётиғи билан тушунтириб берилганида, МФЙ раисини сайлаш (тайинлаш?!) жараёни қарши тарафда ҳам норозилик туғдирмаган, бирон-бир эътирозга ўрин қолдирмаган бўларди. Қолаверса, бу лавозим муддатидан илгари бўшаб қолгудек бўлса, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддаси талаби бўйича ушбу лавозимга янги сайлов ўтказилади.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори
**Азизбек ЗУБАЙДУЛЛАЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Бедана



Маҳкам ота уйига яқин келганида кампирининг бир нима ола келинг дегани эсига тушди. Ҳарчанд уринмасин, нималигини эслаёлмади. Бироз ўйлаб тургач, йўл четидаги ходага ўтирди.

"Ўзи каллаям қолмабди. Боя кампир нима деган эди? Қизингиз келади, дедими? Қай бири келар экан? Яна нималардир дедими? Эсда қолмабди-я! Тавба, қанақа хотирам бор эди-я! Бир эшитган ё кўрганимни беш-ўн йилдан кейин ҳам айтиб бера олардим. Ёки энди қарияпманми? Эҳ, аттанг-га, эссизгина бир танга!"

Шу пайт енгидаги бедана бехосдан сакраб, қўлидан чиқиб кетай деди-ю, чол ўзига келди. Дарҳол қўлини чиқариб, кафтидаги беданани бироз томоша қилгач, кўзларини юмганча гап бошлади: "Ҳа, полвон. Мени эсингиздан чиқариб қўйдингиз демоқчимисан? Йў-йўқ, сени эсимдан чиқариб эсимни еганим йўқ ҳали. Ахир жўжа бўлатуриб Йўлдош калнинг туллагини икки чўқишдаёқ қочирасан-у, сени унутаманми!? Ҳозир-чи, уйга борамиз. Кейин..."

Ота гапини тугатолмади. Аввалига кимдир уни турттандек бўлиб, кетидан - Дод-да, ашшалом, — деган ингичка овоз эшитилди.

— А, нима? — Чол шошганча кўзларини очиб, ён-атрофига қаради.

Ҳеч ким йўқ. Шу пайт тиззасига нимадир теккандек бўлди. Ўтакаси ёрилгудек бўлиб, пастга қараса икки-икки ярим ёшлардаги болакай, қоп-қора мунчоқ кўзларини унга тикканча, тиззасини қучоқлаб турибди.

— Ва-алай-кум, — чол ўзи ҳам сезмаган ҳолда алик олар экан, ҳайронлигини яширмай, болага тикилди. Бола бўлса унга аҳамият бермай, беданадан кўзини узмасди.

— Ҳа, болам? Қаёқдан пайдо бўлдинг? Осмондан тушдингми, ердан чиқдингми?

— Ҳм, — болакай шундай дея, беданага тикилар экан, чолга қаради-да:

— Дод-да, "Па-па" — деб қўлини чўзди.

— "Па-па"? Ҳа, болам, бу "па-па!" Нима, ушлаб кўрмоқчимисан?

Маҳкам ота беданани болага узатди. — Ма, фақат қўрқма, чўқимайди.

Бола жажжи қўлчалари билан қушни силаб-сийпалар экан, алланималар дея чуғуллай бошлади. Унинг бу ҳолатини кўриб, отанинг ҳам завқи ошиб кетди. Бир қўли билан болани бағрига босиб, пешонасидан ўпиб қўйди-да:

— Отинг нима? — деб сўради.

— Шаттор.

— Бу Шаттор деганинг, Саттор бўлса керак, хойнаҳой?

— Ҳм!

— Шунақа дегин? Оббо сеней! Абдусаттор, сенда бир гап бор! Ҳи-ҳи-ҳи!

Бола гап нимадалигини тушунмаса-да, чолга қўшилиб, қиқирлаб кулди.

Бу нарса чолнинг кулгисини баттар қистатди. Ҳо-ҳолаб юборди. Болакай ҳам қаттиқроқ қиқирлади. Унинг кулгуси шу қадар ажиб ва беозор эдики, энди чол кулгидан ўзини тўхтатолмай қолди. Кўзлари ёшланиб, охири йўтал тутди. Йўтал шу даражада кучли эдики, унинг зўридан чолнинг калласи силкина-силкина боланинг бошига бир-икки марта тегиб кетди. Бу ҳолдан чўчиган бола тўсатдан жим бўлди. Кўзларини жавдиратганча, чолга қаттиқроқ ёпишди.

— Ҳа, болам? Кўрқдингми? — Чол қисқа-қисқа йўтала туриб, шундай дея, елкасидаги пешонабоғ билан ёшланган кўзларини артди.

— Ҳм!

— Қўрқма қўзичоғим. Қариганингдан кейин ҳолинг шу экан-да! Ҳали у еринг оғрийди, ҳали бу еринг. Бир йўтал тутса, ичагинг узилгудек бўлади...

Энди чол болани деярли унутганча, ўзига-ўзи гапира бошлаган эди. Бу ҳол узоқ давом этмади. Шу пайт ё бола сабаб ёки чол ўзи билан ўзи овора бўлиб, қўлини бўш қўйдими, бедана унинг кафтига оёқлари билан бир зарб урди-да, "пир" этиб учди, кетди. Бундай бўлишини кутмаган чол шошганча ўрнидан туриб, қўлини чўзган эди, бехосдан болани туртиб юборди. Бола қалқиб кетиб йиқилди ва йиғлаб юборди.

— Эй, палакат!

Аламдан чакка томирлари бўртиб чиққан чол куш кетган томонга қараб турди-да, бирдан бошидан дўпписини олиб, жаҳл билан тиззасига урди. У айни пайтда нафақат шундоққина оёғи остида йиғлаётган болани, балки бутун борлиқни ҳам унутган эди. Кўкимтир, юпқа лаблари титради. Қўли билан сийрак соқолини ияги билан қўшиб юлгудек тортқилар экан, кўзларига ёш қалқди. Ахир Йўлдош калдан бир неча ойлик ўчини олиб берган халоскори ҳозиргина қўлида эди-ку! Шу қавариб кетган бармоқлари-ю кафтлари қушнинг тафтини ҳис қилиб турган эди-я!..

Ўтган уч ой ичида рақибининг туллагига қарши бир эмас, икки эмас, олтита бедана тайёрлабди. Ҳаммаси ютқазди. Фақат шугина туллакнинг додини беришга яраган эди.

Чол шу алфозда анчагина турди. Охири тақдирга тан бериб, энди уйига йўл олмоқчи эди, кўзи болага тушди. Бу пайтда йиғлайверганидан боланинг овози бўғилиб, энтикиб-энтикиб ҳиқиллашга ўтган эди. Бу ҳолни кўргач шоша-пиша болани ўрнидан турғизар экан:

— Бўлди, болам, бўлди. Қаттиқ тегиб кетдимми? Йиғлама. Бир эмас, ўнта "па-па" сендан айлансин! Худо хоҳласа ўнтасини сўйиб, сенга бир шўрва пишириб берай, — дея уни овутишга ҳаракат қила бошлади. Қани энди овунса?!

— Амаки, нима бўлди?

Маҳкам ота овоз келган томонга қаради. Уч-тўрт қадам нарида бозор халта кўтарган, ўрта ёшлардаги бир аёл уларга тикилиб турарди. Уни кўриб ота довдираб қолди. Назарида аёл "Кап-катта одам ёш болани хафа қилишга уялмадингизми?" деяётгандек эди.

— Балки у ер-бу ери оғриётгандир? — Аёл шундай дея халтасини ерга қўйиб, унинг жавобини кутмаёқ яқинлашди. — Вуй манави боланинг ширинлигини? Нима бўлди, асалим? Нега йиғлаяпсан? — деганча болани бағрига босди. Ҳозиргина ҳеч нарсага кўнмаётган болакай аёлнинг пинжига кириб, бироз тинчланди. Сўнг қўлини чолга чўзиб:

— Дод-да, "Па-па", — деди.

— "Па-па"? Қанақа "Па-па"? Амаки, неварангиз нима деяпти?

— Ҳа, уми? — боядан бери нима қилишни билмаётган чол боланинг тинчланганидан хурсанд бўлганча гапга тушди:

— Қўлимдаги беданани томоша қилиб турувди. Палакат, бирданига учиб кетди. Шунга...

Аммо болани туртиб юборганини айтмади. Айтишга уялди.

— Шунга шунчами? — Аёл ўрнидан туриб, сумкасини кавлаб, ичидан печенье олди-да, болага тутқазди. Унинг шу заҳоти ея бошлаганини кўриб, чолга юзланди:

— Амаки, боланинг қорни очибди-ку? Ойиси қаерда?

— А? Ойиси? — чол бу гапдан ҳушёр тортди. Дарвоқе? Бу бола кимники? Ота-онаси ким? Боядан бери ўйнатиб ўтириб, бу томонини ўйламабди-ку! Эси қурсин!

— Қизим, қариб, миям ростдан ҳам айниб қолганга ўхшайди. Қаёқдан пайдо бўлди, кимнинг боласи, билмайман. Қизиқиб ҳам кўрмабман. Бояқишнинг ота-онаси ҳам қидириб юрган бўлса керак? Яхши айтиб қолдинг. Энди нима қилсам экан-а?

— Ҳайронман. Балки участковойга учрашиб кўрарсиз!

— Участковойга? Ҳм... Тўғри айтасан, қизим. Раҳмат сенга, — чол шундай дея болани қўлидан ушлаб, уч-тўрт қадам қўйди-да, тўхтади. Орқасига ўгирилди.

— Ҳой, қизим. Бу мелисанг қаерда?

— Шундоқ магазиннинг орқасида. Сўрасангиз айтиб беришади.

— Раҳмат, болам.

"Тавба! Одамларни ҳам тушунмайсан! Агар товуғи тугул, жўжаси йўқолиб қолса ҳам, қидириб, ҳаммаёқни бузиб юборишади. Бу бутун бошли одам-ку! Наҳот ота-онаси болам қани демаса? Қандай замонларга қолдик-а!"

Чол шундай хаёллар билан участка пунктига келганини ҳам сезмай қолди. Энди кирмоқчи эди, ичкаридан форма кийган барваста йигит чиқиб келди.

— Болам, мелисахона шу ерми?

— Ҳа, отахон. Ассалому алайкум! Келинг. Тинчликми?

— Эй, болам, тинчлик бўлганда келармидим. Шу ёшга кириб мелисага ишим тушмаган эди. Мана... қариганда келишга тўғри келди.

— Нима бўлди?

— Манави бола йўқолиб қолибди. Кимнинг боласи, билмайман. Шу ерга олиб келишни маслаҳат беришди. Шунга... Қанақа бепарво одамлар бор-а!

— Шунақами! Қани ичкарига кирайлик.

Хонага киришгач, йигит чолга бир пиёла чой қуйиб берди-да, болани қаердан топилганини сўради. Жавобларни ёзиб олгач, болага юзланди:

— Отинг нима?

— Шаттор!

— Шаттор?

— Ҳа, болам, оти Саттор экан. Мениям ўн саккизта неварам бор.

Ҳаммасиниям отини билмайман. Кўп адаштираман. Холанг бўлса устимдан кулгани-кулган.

— Шунақа денг! Бўлмаса, уй манзилингизни ёзиб олай.

Йигит ёзувни тугатгач, чолни кузатиб чиқмоқчи бўлди. Бола уларга эргашди.

— Ие, сен қаёққа? — Йигит шундай деб болани жойига ўтирғизмоқчи бўлган эди, бола чолга қўлини чўзганча "Дод-да" деди-да, йиғлай бошлади. Бу ҳолни кўрган Маҳкам ота кетишни ҳам, қолишни ҳам билмай қолди.

— Отахон, сизга роса ўрганиб қолибди-ку! Аммо сизга каттакон раҳмат. Бу ерга олиб келиб, жуда тўғри қилгансиз. Ота-онасини ҳам тезда топамиз. Сиз бемалол уйингизга кетаверинг.

Милиция пунктидан кўнгли алланечук ғаш бўлиб чиқиб, эшик ёнида тўхтади. Бирдан ичкаридан боланинг йиғиси эшитилди-ю, юраги орзиқиб кетди. Нима қилишни билмай, саросимага тушиб бироз тургач, шартта орқага қайтди. Уни милиционер йигит ҳайрон бўлиб, бола эса қувонч билан кутиб олишди. Йиғиси ҳам зумда тўхтади.

— Ҳа, отахон, бирон нарса эсингиздан чиқдими?

— Йўқ. Болани ташлаб кетишга кўнглим бўлмаяпти. Ота-онаси ростдан келармикан?

— Оббо, сиз-ей! Хавотир олманг. Ота-онаси албатта топилади.

Кўнглингиз тўқ бўлсин. Кейинчи, биров боласини йўқотса, биринчи бўлиб бизга учрашади...

"Ярим кунда шунча ғавғо. Беданаям учиб кетди. Бу ёқда бировнинг боласи йўқолди. Ота-онаям шунақа бепарво бўладими-а!? Шошма-чи!" Ўзига-ўзи гапириб келаётган чол қўққисдан тўхтаб, ёнидан занжирга боғланган соатини олиб қаради. "Оббо, пешин намози ҳам қазо бўлибди-ку! Майли, асрга қўшиб ўқиб оларман!"

Чол ҳовлига кирар-кирмас, сал ичкарироқда ўйнаб ўтирган уч-тўртта бола унга пешвоз югурди. "Айтмоқчи, қизим келмоқчи эди-ку! Эсим қурсин, нимадир олишим ҳам керак эди!?" У болалар қуршовида хаёлларини жамлаб улгурмасдан кенжа қизи Сожида келиб кўришди.

— Ада, ойимга атайин тайинлаган эдим-ку, адам кетиб қолмасинлар деб. Нимага пойлаб ўтирмадиз?

— Болам, уйни гапи кўчага тўғри келмайди дейишади-ку! Бирпасда келаман деб, ушланиб қолдим. Ойинг кўринмайди?

— Ҳозиргина қўшниникига чиқиб кетдилар.

— Онанг шунақа! Менга уйда ўтиринг деб, ўзи эшик санайди. Майли, овқатларинг борми? Роса қорним очди.

— Ҳозир адажон. Ойим овқат пишириб қўйган эканлар. Сузмасдан, сизни пойлаб ўтиргандик.

Чол кўрпачага чиқиб, ёнбошлади. Шу заҳоти хаёли милицияхонада қолган болага кетди. "Бола бечора нима қилаётган экан? Бояги аёл қорни оч, деяётувди. Милиса у-бу нарса бердимикан? Қаёқда, шунча бола-чақани катта қилиб, битта боланинг қорни очганини билмабман-ку, у қаёқдан билсин? Ёшгина экан, ҳали уйланмагандир ҳам? Шошма, бўлмаса тезда овқатни еб, болага ҳам озроқ оборсам-чи?"

— Сожи, овқатинг қани? Яна битта косага сузиб, устини ўраб қўй. Совуб қолмасин!

Сожида лаганни столга қўяр экан, ажабланди:

— Ада, кимга?

— Биттасига. Сен айтганимни қилавер, кейин хурсанд бўласан.

— Хўп, адажон. Айтмоқчи, неварангиз қани?

— Қайси неварам?

— Қайси бўларди, кенжатойингиз-да?

— Ие, мен қаёқдан биламан, қаёқдалигини? Ўзи ҳозир келиб турган бўлсам.

— Вой, ўлмасам! У сиз билан эмасмиди?

— Эсинг жойидами қизим? Нега мен билан бўлар экан? Ўғлингни кўрганим йўқ. Ўзи бирга олиб келганмидинг?

— Бўлмасам-чи! — Сожида йиғламсиради, — шу атрофда ўйнаб юрувди. Бирдан кўринмай қолди. Сардорни чиқарсам, кўчада дадам билан ўтирибди деб келди-ку!

Чол жон-ҳолатда ўрнидан туриб кетди:

— Эсларинг жойидами? Битта болани ҳам эплай олмайсанлар? Қанақасанлар ўзи? Ўзи ҳозир битта шунақасини милисага топшириб келувдим. Униям ота-онаси сенларга ўхшаб бепарво экан. Минг лаънат ҳамманга! Юр, ўша ёққа борамиз. Милиса бола яхши йигит экан. Айтишича, ким боласини йўқотса, топиб берармиш!

Дарғазаб ота олдинда, йиғламсираган қизи орқада, йўлга тушишди. Учраган таниш-нотанишлар ҳайрон. Шу алфозда милиция пунктига етиб келишди. Алланималарни ёзиб ўтирган милиционер йигит чолнинг важоҳатини кўриб, ўрнидан туриб кетди.

— Мана, милиса болам, кўриб қўй! Бояги бировнинг боласини келтириб, ота-онасини бепарволикда айблаган эдим. Энди бўлса, қизим боласини йўқотиб ўти...

Чол гапини тугатолмади. Болакай диванда ухлаб ётган экан. Унинг овозини эшитиб, уйғонди-ю, уларга кўзи тушиб, қийқириб юборди:

— Дод-да! Ойи!

Сожида "Сатторжон!" дея, жон ҳолатда боласини олиб, бағрига босди.

Милиционер йигит ҳайрон. Маҳкам ота бўлса, дўпписини пешонасига суриб, қаншарини қашлар экан, ўзига-ўзи гапира бошлади: "Тавба, шунақаям бўларканми-а!? Ўз неварамни танимасам-а! Боя "дода-дода" деди-я! Аҳамият бермаганимни қара! Каллам қурсин! Кампирнинг яна чакаги очиладиган бўлди-да!...Майли, етказганига шукур!"

***Ғофуржон УСМОН ўғли***

**Huquq**
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
*Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —555. 23 841 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.30. Topshirildi: 21.30 2345678

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda.